

Умар ибн Абдулазизнинг камтарлиги



09:13 / 14.12.2019 1936

Авзоийдан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз ҳар куни ўз мол-мулкидан мусулмонлар таоми учун бир дирҳам ажратар, сўнгра ўзлари ҳам улар билан бирга ер эдилар. Зиммийларнинг^[1] олдига борсалар, улар у зотга сут, ўсимликлар ва шунга ўхшаган маҳсулотлардан ўзлари - тайёрлаган таомлардан беришарди. Умар ибн Абдулазиз зиммийларга улар берган таомдан ҳам кўпроқ таом берар ва улар билан бирга қўшилиб ер эдилар. Агар зиммийлар у зот берган нарсаларни қабул қилишмаса, ўзлари ҳам ундан емас эдилар. Бироқ мусулмонлар бирон нарса берса, уни зинҳор қабул қилмасдилар.

Солиҳлар гулшани китобидан

^[1] Мусулмонлар яшайдиган ҳудудда жони омонда бўлиши учун солиқ тўлаб яшайдиган бошқа дин вакиллари. Зиммийлар мусулмон давлатнинг ҳимоясида бўлишган.